



ИНТЕНЦИОНАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ «РЕЖАЛАШТИРМОҚ» ВА «УМИД-ИСТАК» СЕМАНТИКАСИГА ЭГА ФЕЪЛЛАРИ

Нажмеддинов Аҳмад Раҳматович
Қўқон давлат педагогика институти,
Қўқон университети
intellect_star@mail.ru

Аннотация

Ҳар икки тилда иш-ҳаракатни амалга ошириш интенциясини воқелантириш учун функционал семантик майдонни ташкил қилувчи лексик, грамматик ва синтактик воситалар мавжуд. Ушбу майдон ўзининг серқирра ва нотекис табиати билан ажралиб турганлиги учун мавжуд бирликлар гуруҳининг ҳар бири ўзларининг марказ ва периферия зоналарига эга полицентрик тузилма ҳисобланади.

Калит сўзлар лексема, иерархия, доминант, идентификатор, интенция, стратегия, экспликация, лексикография, иш-ҳаракат.

«Режалаштирмоқ» семантикасига эга бўлган феъллар гуруҳида доминант идентификатор «to plan» лексемаси бўлиб, унга ёндош қуйидаги синонимик қатор иерархиясини шакллантириш мумкин: *to plan, to plot, to contrive, to devise, to contemplate, to project, to scheme, to devise, to arrange, to prepare, to get ready, to envision, to premeditate* ва ҳ.к.; ўзбек тилида: *режалаштирмоқ, режаламоқ, тайёрла(н)моқ, тараддуд кўрмоқ, тадорик кўрмоқ, ҳозирла(н)моқ, шайла(н)моқ, фитна тузмоқ, лойиҳаламоқ* ва ҳ.к.

Ўз-ўзидан маълум бўладики, барча ядро бирликлар сингари *to plan/режалаштирмоқ* лексемаси ҳам ҳеч қандай қўшимча семаларга эга эмас, фақатгина субъектнинг ўз интенциясини амалга ошириш учун услуб, стратегиянинг шаклланиши ва унга эришиш тартибининг нутқдаги экспликацияси учун қўлланилади:

*The letter said he had a new father whose picture was enclosed, and he would have to stay in Meridian because they **planned** to build a fishing boat. (Lee H., 84)*

*Мен ёзувчиман... Сиз кеча Иван Виткевич ҳақида сўзлаган эдингиз, ўша давр ҳақида китоб ёзишни **режалаяндим**...(Исмоил А.,162)*



To design феълининг кўшимча маъно оттенкалари ҳам мавжуд бўлиб, режанинг аниқ ва тугаллигига ишора қилади¹: *They spent days together in the treehouse plotting and planning, calling me only when they needed a third party.* (Lee H., 31) – Улар биргаликда дарахт уйда кунлаб нималарнидир ҳийла қилиб, режаштириб ўтиришар, мени эса учинчи шерик керак бўлган вақтлардагина чорлашар эди холос – ушбу мисолда барча ҳаракатларнинг бажарилиши битта, аниқ ўйланган режани амалга оширишга қаратилган. Яна бир мисол келтирсак:

I go home to Felipe, feeling awful. I say, “If only Wayan knew how deviously I was plotting behind her back . . . plotting for her happiness and success...” (Gilbert E., 342) – Мен Фелипинг олдига – уйга бордим. Айтдимки, «агар Уаян унинг ортидан қандай найранглар қилаётганимни..унинг бахти очилсин, омади чопсин дея қандай фитналар уюштириб юрганимни билганда борми».

To plot феъли асосан салбий маънода «фитна уюштирмақ» дея таржима қилинади, бироқ ушбу мисол таҳлили ушбу бирликнинг лексикографик изоҳини талаб этади:

1) to make a secret plan to do something wrong, harmful, or illegal:

The army is plotting the overthrow of the government.

2) to make a secret plan to do something funny or enjoyable to or for someone[+ to infinitive]²:

They're plotting to play a trick on their brother.

Демак, юқоридаги мисолда кўриб турибмизки, «*plotting for her happiness and success*» бирикмасида сўзловчи гап кетаётган шахснинг бахти ва муваффақияти учун том маънода ижобий мақсадни кўзлаган ва бировга зарар келтирмайдиган фитна уюштирмақда.

To scheme феълининг маъноси режаштириш ҳаракатининг тафсилотларини кўрсатиши билан тўлдирилади, шунингдек, режаштиришнинг баъзи ҳийла ишлатишга ишора қилувчи салбий, баъзида эса, куйидаги сингари юмор пайдо қилувчи маъно оттенкаларини ўз ичига олади: *THAT was Tom's great secret—the scheme to return home with his brother pirates and attend their own funerals* (Twain M., 111) – укаси билан уйига қайтиб, ўз дафн маросимида қатнашиш режаси – мана, Томнинг улкан сири нима эди.

¹ Куцевич Ю. А. Интенциональные лексические значения как объект исследования //Известия Смоленского государственного университета. – 2020. – №. 1. – С. 121-134.

² To plot// <https://dictionary.cambridge.org/ru>



Ушбу мисолни ҳавола этар эканмиз, равшан бўлдики, *to plot* ва *to scheme* феъллари кўп контекстларда бир-бирининг ўрнини босувчи синонимик бирликлар экан.

Ўзбек тилида ҳам ушбу гуруҳ лексемалари орасида юқоридаги сингари маъновий тафовутларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, *тайёрламоқ* лексемаси «*тайёр, муҳайё ҳолга келтирмоқ, ҳозирламоқ*» маъносидан ташқари «*ҳосил қилмоқ, ишлаб юзага келтирмоқ, етиштирмоқ*» каби семаларга ҳам эгадир: *Бу пайтда таъбига қараб телевизор, ёки мусиқа маркази "ишга" тушади. Унга қадар Баҳор шошилмай, жуда эътибор билан мазали таом тайёрлайди.* (Абдуллаев А., 100) – бу вазиятда «таом тайёрламоқ», «таом пиширмоқ» маъносини ҳосил қилмоқда. Аниқки, «тайёрламоқ» лексемаси қўлланилиш диапозони ниҳоятда кенг ва контекстга мувофиқ турлича талқин қилиниши мумкин бўлган ўзига хос табиатга эга феъллардан биридир.

Шайланмоқ феъли «бирор иш-ҳаракатни бошлашга тайёр бўлиб турмоқ», *шайламоқ* эса «тайёр ҳолатга келтирмоқ, тахт қилмоқ» маъноларида³ қўлланилади ва иш-ҳаракатни амалга оширишга тузилган режанинг сўнгги палласига ишора қиладилар: *Урилган, лекин ҳали ҳолсизланмаган Абдулла бутун кучини йиғиб: "Мана энди янги йил кечаси кутган соатим етди!" – деб Винокуровнинг яқинлашиши билан унинг ҳиқилдоғига ёпишмоқчи бўлиб, ўзини шайлади.* (Исмоил А., 286) – ушбу вазиятдан маълум бўлиб турибдики, «шайла(н)моқ» лексемаси тайёргарлик кўриш семантикаси билан бирга кутилаётган иш-ҳаракатнинг содир бўлишига ёки амалга оширилишига субъект ишончининг комиллиги, тайёрлиги ёки қарорининг қатъийлигига ҳам ишора қилади – ҳавола этилган парчада Абдулла ўз режаси, яъни Винокуровнинг ҳиқилдоғидан олишга бўлган қарорининг қатъийлиги, унга ўзининг руҳан ва жисмонан тайёр эканлиги ифодасига хизмат қилади.

Фитна қилмоқ/уюштирмоқ кўшма феъллари таркибининг «фитна» от сўз туркуми ядро бирлиги салбий бўёқдорликка эга бўлиб, «ғаразли мақсадни амалга ошириш йўлида бировни қоралаш учун қилинадиган хатти-ҳаракат, бузғунчилик», «яширин тил бириктириш йўли билан давлатга, сиёсий раҳбарга, ташкилот ёки шахсга қарши режалаштирилган ҳаракат»⁴ семаларига эга бўлиб, қўлланилиши жиҳатидан нисбатан услубий чегаралангандир – у асосан бадий, сиёсий ва публицистик жанрларга хос бирлик; сўзлашув нутқи

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2007. – «Ш» ҳарфи, – Б.6

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2007. – «Ф» ҳарфи, – Б.34



услугада, шахслараро муносабатлар доирасида фаол эмас: *Майор шеригимни сўроққа тута бошлади. Аввалига Хиваю Хўқандда нима қилдинг? – деб сўради. Шеригимнинг изоҳлари майорни қониқтирмади. “Сен бу икки ерда **фитналар уюштириб** юргансан,” – деди. “Сизлар, инглизлар, **фитналарга устаси фарангсизлар**” – деди.* (Исмоил А., 26) – ушбу парчада ҳарбий дискурсга хос қатъий оҳанг қўлланилган интенционал бирликлар орқали яна ҳам конкретлашгандек гўё.

Равшанки, «режалаштирмақ» семантикасига эга бўлган феъллар нейтрал to plan/режалаштирмақ доминанталари остида бирлашган бир қанча лексемалар ва фраземалардан иборат гуруҳ характерига эга бўлиб, улар бир-бирларидан услубий бўёқдорлик ва жанр хусусиятларига кўра ажралиб турадилар.

«Умид-истак» семантикасига эга феъллар

Истак маъносини ифодаловчи феъллар инглиз тилида to desire, ўзбек тилида эса хоҳламоқ доминантасига гипоним сифатида идентификациялашади (*to desire, to wish, to want, to yearn, to long, to hope, to dream, to covet, to crave, to thirst, to pine, to hanker, to itch, to hunger, to aspire, to pray, to curse* ва ҳ.к.); ўзбек тилида: *истамоқ, хоҳламоқ, орзу қилмоқ, хавас қилмоқ, умид қилмоқ, майл этмоқ, кўнгли тусамоқ, тиламоқ, тилак билдирмоқ, ихтиёр этмоқ, соғинмоқ, дуо қилмоқ, қаргамоқ* ва ҳ.к.

Бу феъл истак ва мақсадга мувофиқлик семантикасини умумий ифодалаб, интенцияни интенсив экспликация қилиш зарурати бўлмаган вазиятлар учун қўлланилади, лекин to want, to wish феъллари билан қиёслайдиган бўлсак, эмотивлик даражаси бироз юқори, демак, унинг табиати интенцификациядан холи эмас⁵.

Ушбу феъллар гуруҳи истак ифодасининг энг муҳим аспектини ифодалай олишлари билан ажралиб турадилар ва бир-биридан услубий бўёқдорлик нуқтаи назарига кўра кескин фарқланиши мумкин (*covet, crave, desire, hanker, long, pine, want, wish, yearn*). To want феъли ушбу гуруҳ доминантасига яқин периферияда жойлашган услубий нейтрал бирлик ҳисобланади. Ушбу лексеманинг ядровий бирлик бўла олмаслигига унинг кўшимча, ёндош маъноларга эга эканлиги сабабдир. Қуйида унинг лексикографик изоҳига мурожаат қиламиз:

⁵ Malle B. F., Knobe J. The distinction between desire and intention: A folk-conceptual analysis //Intentions and intentionality: Foundations of social cognition. – 2001. – Т. 45. – С. 67.



1. a. To have a strong feeling to have (something); wish (to possess or do something); desire greatly: She wants a glass of water. They want to leave. See Synonyms at desire.

b. To desire (someone to do something): I want you to clean your room.

2. a. To request the presence or assistance of: You are wanted by your office.

b. To seek with intent to capture: the police want the fugitive.

3. To have an inclination toward; like: Say what you want, but be tactful.

4. Informal: To be obliged (to do something): You want to be careful on the ice.

5. To be in need of; require: "Your hair wants cutting," said the Hatter" (Lewis Carroll).

6. To be without; lack⁶.

To wish лексемаси субъект томонидан амалга оширилиши эҳтимоли кам, кўпинча, имконсиздек кўринган интенцияларни нутққа нейтрал бўёқ билан, яъни интенсивликдан ҳоли тарзда кўчиришда қўлланилади. *To covet* феъли эса бироз ўзгача маъно товланишларига эга бўлиб, истакнинг кучли ва эмоционал ифодаси учун қўл келади, бироқ ушбу лексема ҳам эришиш бироз мушкул бўлган истак ва, кўпинча, ўзга субъектга тегишли предметларга нисбатан интилишни акс эттиради: *He threw the whole business over the wall and darted through the hedge into the next yard, and there it was, the thing he coveted, the thing he'd come for: a roof, his roof* (Boyle T. C., 251) – у бутун ишини бир четга сурди-да, тўсиқдан ошиб ўтиб, қўшини ҳовлига отилди – мана, энтикиб кутгани, излаб келгани – уйи, ўз уйининг томи! – ушбу мисолда асар қаҳрамонининг жон-дили билан кучли даражада интилган объекти, яъни уйига етишганининг экспрессив ифодасини етказишда *to covet* феъли, шунингдек, такрор услубий воситаси (*a roof, his roof*) муҳим роль ўйнамоқда.

To pine феъли эса истакнинг эмоционал ва интенсив ифодаси асносида бесамар уринишлар, соғинч, апатия натижасида юзага келган ҳолатларни назарда тутаяди: *After two months in France I was pining for home* – икки ой Францияда бўлиб, уйимни қумсаб қолдим – ушбу феълнинг қўлланилиши субъектнинг ўз уйига ҳали кета олмаслигига ишора қилади.

Ўзбек тилида ҳам ушбу гуруҳни ташкил этувчи феъллар ранг-баранг ва динамик хусусиятларга эгадир. Масалан, *истамоқ* ва *хоҳламоқ* лексемалари бир-бирларига жуда ҳам яқин бўлиб, ҳатто дуал доминанта бўла олиш потенциалига ҳам эга, бироқ *истамоқ* феълнинг лексикографик манбаларда

⁶To want// <https://www.thefreedictionary.com/want>



изохланишига мурожаат қилсак, унинг ядровий бирлик бўла олмаслигига далилларни кўрамиз:

Истамоқ 1. Ихтиёр этмоқ, хоҳламоқ: Мен сизни ранжитишни истамайман;
2. шв. Ахтармоқ, изламоқ, қидирмоқ: Сиз кимни истаб эдингиз?⁷

Кўриниб турибдики, ушбу феълнинг ёндош маънога эга эканлиги (гарчи шевага хос эса-да) унинг марказий бирлик сифатида тўлақонли фаоллаша олмаслигидан дарак беради.

*Орзуламоқ ва ҳавас қилмоқ семантик жиҳатдан жуда ҳам яқин бўлиб, «бирор иш-фаолиятга интилиш, майл этиш, истак, қизиқиш ва завқ ҳисси билан муносабатда бўлиш»⁸ ни ифодалайди, баъзан жуфт феъл шаклида ҳам қўлланадилар: Энди Орзиқул оёғини узатиб, баҳазур ёта берса ҳам бўлар экан. Биз бурун замонда шунча давлат билан ҳам бу хилда **орзу-ҳавас** кўрган эмасмиз. Энди ишламассиз-а, Орзиқул?(Қаҳҳор А. Даҳшат, 35) – ушбу интенционал вазиятда жуфт феълнинг қўлланилиши иллокуциянинг яна ҳам интенсив тарзга ўтишига туртки бўлган.*

Уларнинг ўртасида услубий тафовутлар йўқ эмас: *орзуламоқ/орзу қилмоқ* нейтрал бўёқдорликка ва бирмунча жиддийроқ табиатга эга бўлса, *ҳавас қилмоқ/ҳавасланмоқ* фақат ижобий, эзгу, шунингдек, эришиш бирмунча реалликдан йироқ бўлган истаклар ифодаси учун қўлланилади:

Шу синглингиз сизга жуда меҳрибонда, — унинг орқасидан ҳавасланиб қараган Таннозхон кўзларига ёш олди. — Қанийди, ҳеч йўқ мана шундай оқила, чаққонгина битта қизим бўлса. Ёш умрим хазонга айланяпти.(Абдуллаев А., 118)

*Район Кенгашининг шофёри Тишченко деган аёл унинг соғломлигига, кучига, абжирлигига, айниқса, зехнига қойил бўлиб юрар экан, бир куни уйга чақириб, "сен шофёр бўлгин, нима ёрдам керак бўлса бераман", дебди. Малоҳат ҳам шундай бир нарсани **орзу қилиб юрар экан**, дарров кўнибди. (Қаҳҳор А., Даҳшат, 23)*

Тиламоқ лексемаси шунчаки истамоқ, хоҳламоқ семаси эмас, балки бирор истак, тилак, ният билдирувчи гап айтмоқ, дуо қилмоқ маъноларини ифодалайди ва кўпинча табрик, қутлов нутқий этикет жанрлари ва диний характердаги референт вазиятларда қўлланилади. Масалан, куйидаги парчада қутлов нутқий вазиятида юзага чиққан интенционал ҳолат мавжуд:

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2007. – «И» ҳарфи – Б.237

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2007. – «Х» ҳарфи – Б.467; Ўша манба – «О» ҳарфи – Б.136



— Молодец, машъал бригадир! — деди аёл. — Партия-ҳукуматимизга ана шундай қуёшда тобланган пахтакорлар керак!

— Қуллуқ, — дедим.

— Бизга қандай хизматлар бор?

— Хизмат йўқ. Бари нима тўкин-сочин.

— **Ишларингизга муваффақият тилайман!**

— Тагин бир қуллуқ. (Тоғай Мурод, 53)

Ушбу мисолда эса бироз умидсизлик оғушида қолган субъектнинг динга мурожаатида рўёбга чиққан интенционал ҳолатга гувоҳ бўлишимиз мумкин:

— Нима қилиш керак? — юрагидаги ваҳимани босиб хиёл "чехраси очилган" мижозига қаради меҳмон.

— Нима ҳам қила олардик, — такрорлади бемор яна инқиллаш кераклиги ёдига тушган каби. — **Аллоҳдан нажот тилаймиз-да.** (Абдуллаев А., 97)

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дуо қилмоқ (Худога ёлвориб, илтижо қилиб, ўзи ёки бировлар учун эзгу тилак тилаш), дуойи бад қилмоқ, қарғамоқ (кимсага ёмонлик тилаб дуо қилиш⁹) сингари бирликлари ҳам диний ифода планига эга бўлиб, эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга нутқий вазиятларда қўлланилади:

Қарғиш урган одамни пешонаси ана шундай бўлади.

— Энани қарғиши болага урмайди. Эна, энани қарғиши болага урмайди. Оғзингизни тўлдириб қарғай беринг — барибир қарғишингиз менга ўтмайди!

Онамиз товуқлар кўз кўриниб донласин учун — сўри гирдилатиб дон сочди.

— Сени мен эмас — сени Худо қарзаган.

— Худо қарзаган? Эб-е, мен худога нима ёмонлик қилдим-е? Худо нима деб қарзаган-е? (Тоғай Мурод, 127)

Чорраҳада Рисолат, Баҳри ва Қумринисо улар билан хайрлашди. Асқар ота ҳар қайсисининг пешонасидан ўтиб дуо қилди. (Қаҳҳор А., Даҳшат, 47)

Демак, истак феъллари гуруҳи ҳар икки тилда ҳам нафақат истакнинг бевосита ифодаси, балки уни амалга ошириш учун ҳаракат қилишининг илк босқичларига ҳам ишора қилади¹⁰ ва уларнинг асосий қисми истакнинг экспрессив ифодаси планига эга бўлиб, нутқнинг турли жанрларида турли фаолликнинг турли даражаларига эгадирлар.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – «Д» харфи – Б.665

¹⁰ Клушина Н. И. Интенциональный метод в современной лингвистической парадигме // Медиаскоп. – 2012. – №. 4. – С. 4-4.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М.: Советская энциклопедия, 1966. – 608 с.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. -380 б.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. “Ўқитувчи” нашриёти, 1974. – 308 б.
4. Большая Российская энциклопедия
[<https://bigenc.ru/philosophy/text/2014075>]
5. Иқбол Юсуф [<https://t.me/s/uztwit/320>]
6. Категория. [<https://qomus.info/encyclopedia/cat-g/grammatika-uz/>]
7. Кўп тармоқли виждон [<https://hozir.org/ushbu-kitobdan>]
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/05/08/century/>
9. Прагматика [<https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/pragmatika-uz/>]